

Mustahkam oila – yurt tayanchi

2020 YILDA DAVRA SIDA

№ 52 (398)
2019-yil
26-dekabr
payshanba

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqarib boshlagan.

2020 КИМ НИМАНИ КУТМОҚДА?

*Қорбобо,
2020 йилда Тошкент
пропискаси масаласини
ўзингиз ҳал қилиб
бермасангиз бўлмаяпти.
Шунга бир қарашворинг...*

*Янги йилдан
бизнинг
кишлоққа
ҳам ичимлик
суви келсин,
Қорбобо!!!*

*Қорбобо!
Янги йилдан
сўкмайдиган,
тепмайдиган
ҳокимлар
юбор бизга...*

*Қорбобо,
бизни тахмин
билан
даволайдиган
дўхтирлардан
кутқара
оласизми?*

*Қизимнинг
контрактини бир
куф-суф қилиб
бюджетга
айлантириб
беролмайсизми-а?*

*Бир амаллаб
коррупцияни йўқотиб
берсанг, сениям
рози қилардим,
Қорбобо!*

*Бир жойларда
одамлар битта
ойлигига машина
оларкан. Мен қачон
машинали бўламан,
Қорбобо?*

*Қорбобо!
Бизга қуруқ ваъда
берадиган эмас,
халққа ёрдам
берадиган
депутатлар
керак!*

*Қорбобо, мен ҳам
сенга ўхшаб йилда бир
марта келаман. Қачон
бола-чақам олдида
яшаш насиб қилади,
бўлмайман...*

*Ҳеч бўлмаса,
байрам кунини
чироқни ўчирмай
турса бўлармикан,
электрикларга айтиб
қўйинг!*

Янги йилнинг билани!

ЙИЛ МАМЛАКАТИ



Ўзбекистонда нималар рўй берди?

2-бет

Мангуликнинг БИР ЛАҲЗАСИ

3-бет




«СИЗ ЎШАМИ?..»
махфий ҳақиқатлар

4-бет



Қайнона-келин ўртасида
«ДЕМОКРАТИЯ»

8-бет



uzkitob.uz

«O'ZDAVKITOBSAVDOTA'MINOTI»

Манзил: Тошкент шаҳар Навоий кўчаси 30-уй
Tel.: (+998 71) 244-19-65 (+998 71) 244-19-91

Энг сара
китоблар
ассортименти

«ЙИЛ МАМЛАКАТИ»

«THE ECONOMIST» ЖУРНАЛИ ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОН НИМА УЧУН МАНА ШУНДАЙ ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ?

«Йил мамлаката» – бир қарашда оддий кўринган бу сўзнинг замирида қанчадан-қанча машаққат, меҳнат ётибди.

Буюк Британиянинг 1843 йилдан буён фаолият юритиб келаётган ҳамда дунёдаги энг обрўли ва машҳур «The Economist» журнали мамлакатимизни шундай юксак номга сазовор бўлганлигини эътироф этиб, Ўзбекистонни 2019 йилда жадал суръатда ўсишга эришган мамлакат деб топди.

Ҳар ҳафта 800 мингдан ортиқ нусхада чоп этилаётган мазкур журнал ҳар йили демократияга интилаётган мамлакатлар орасидан бу йўлда энг катта қадам ташлаган давлатни «Йил мамлаката» деб эътироф этиб келади.

«Хукумат мажбурий меҳнатни бас қилди. Мудҳиш номи билан танилган қамоқхона ёпилди. Хорижлик журналистлар мамлакатга киритилмоқда. Давлат иқтисодийни куриш учун хорижлик технократлар таклиф этилмоқда», дейилади мақолада.

Шунингдек, «Ўзбекистон ҳали узоқ йўл босиши керак, аммо ҳеч қайси бир давлат 2019 йилда Ўзбекистончалик олға қадам босгани йўқ», дея хулоса қилинган «The Economist» журналида.

Ҳа, бундай шарафли эътироф ўз-ўзидан бўлмайди. Ўтган қисқа давр ичида юртимизда амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар бунга замин ҳозирлади. Келинг буларнинг айримларига қисқача тўхталиб ўтсак.

ДАВЛАТ ДАСТУРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январда «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Унда:

- давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш;
- конун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқук тизимини янада ислох қилиш;
- иқтисодийни ривожлантириш ва инвестицияларни фаол жалб этиш;
- ижтимоий ривожланиш;
- хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, шунингдек, ташқи сиёсат соҳаларида умумий қиймати 16,9 триллион сўм ва 8,1 миллиард АҚШ долларига тенг лойиҳаларни амалга ошириш белгиланди.

МУАММОЛАР ЕЧИМИДА ЯНГИ ЁНДАШУВ

2019 йил 17 январ. Ўзбекистон Президентининг «Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Унга мувофиқ, Халқ қабулхоналарининг маҳаллалар ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини баҳолаш ҳамда ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ҳудудий, тармоқ ва давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва ижросини назорат қилишда иштирақ этишида бутунлай янги тизимга асос солинди.

Республика даражасида ҳал этиладиган муаммолар тўғрисида маълумотлар Ўзбекистон Президентининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, муурожаатлар билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш масалалари бўйича маслаҳатчиси томонидан Вазирлар Маҳкамасига ҳал қилиш учун киритилган бўлди.

ГЕНДЕР ТЕНГЛИК

Давлат бошқаруви органлари раҳбар лавозимларига хотин-қизларга хотин-қизларга таъминлашда жиддий кадам бўлди.



таъминлашда жиддий кадам бўлди.

СЎЗ ЭРКИНЛИГИ

Ўзбекистон Президентининг 2019 йил 2 февралда «Ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни янада ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони қабул қилинди.

Ушбу ҳужжат асосида Президент Администрацияси ҳузурда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ташкил этилди. Мамлакатда оммавий ахборот воситаларини янги босқичда ривожлантириш, сўз ва ахборот эркинлигини, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолияти очиклигини таъминлашда амалий қадамлар қўйила бошланди.


ЗУЛМ МАНЗИЛИ – «ЖАС.ЛИК» ЁПИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 2 августда «Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 19-сонлихўтисолаштирилган Жазони ижро этиш колониясини тугатиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Одамлар орасида зулм лагерида қиёсанган «Жаслик» қамоқхонасининг ёпилиши Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларини бажариш, жумладан, кийноқларнинг олдини олиш учун зарур ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратила бошлангани амалий ифодаси бўлди.

ДАВЛАТ ТИЛИГА ЭЪТИБОР

21 октябрь – ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 30 йиллиги кенг нишонланди. Тошкентдаги «Конгресс-холл» саройида шу муносабат билан тантанали маросим бўлиб ўтди. Президент Шавкат Мирзиёев иштирақ этиб, нутқ сўзлади.

Шу куни Ўзбекистон Президентининг «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқени тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Унга кўра, ҳар йили 21 октябрь санаси «Ўзбек тили байрами куни» сифатида нишонланадиган бўлди. Вазирлар Маҳкамаси тузилмасида Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкил этилди.



«TASHKENT CITY» БЎЙ КЎРСАТМОҚДА

Ўзбекистонда шаҳарсозлик санъатининг энг сўнгги ютуқларини, архитектура, муҳандислик ва дизайнлиқ борасидаги ноёб ва улкан салоҳиятни яққол мужассам этган «Tashkent City» ишбилармонлик маркази қад ростламоқда.

Майдони 80 гектардан иборат ушбу марказни қуришдан асосий мақсад – замонавий, «аккли шаҳар» барпо этиш, халқаро, хорижий ва маҳаллий банк-молия тузилмалари ва инвесторлар учун Ўзбекистон жозибadorлигини оширишдан иборат.

Янги марказнинг 30 фоизини уй-жойлар, 30 фоизини офислар учун бинолар, яна 30 фоизини савдо мажмуалари, 10 фоизини меҳмонхоналар фонди ташкил этади.

2019 йилда «Tashkent City»даги Конгресс-холл ва беш юлдузли меҳмонхона қурилиши якунига етказилди.



ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИЛАР КЎПАЙМОҚДА

2019 йилда аҳолини олий таълим билан камраб олиш даражаси жами битирувчилар сонига нисбатан 20 фоизни ташкил этди. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида бу кўрсаткични 50 фоиздан ошириш кўзда тутилган.



КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ

Ўзбекистон Президентининг 2019 йил 11 февралдаги фармонида биноан, Ўзбекистон муҳофа вазири лавозимида ишлаб келган генерал-лейтенант Абдусалом Азизов Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раиси лавозимига тайинланди.

2019 йил сентябрда эса Ўзбекистон Ҳарбий суди томонидан Давлат хавфсизлиги хизмати-нинг (ДХХ) собик раиси Ихтиёр Абдуллаев ва у томонидан ташкил этилган жиноий уюшма аъзоларига нисбатан айблов ҳукми эълон қилинди. И.Абдуллаев жиноий уюшма ташкил этиб, мансаб ваколатини суистеъмол қилиб, уюшган гуруҳ ва жиноий уюшма манфаатларини кўзлаб, жуда кўп миқдорда пора олиш, Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битимлар тузиш, товламачилик, ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиш, божхона тўғрисидаги конун ҳужжатларини бузиш ва шу каби бир қатор жиноятларни содир этганлиқда айбли деб топилди, жиноятлар мажмуи тарихисидан 18 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинди.



ҳар бир туманда 3 тадан қишлоқ (маҳаллада аҳолининг яшаш шароитларини тубдан яхшилаш, турмуш тарзи ва даражасида сезиларли ижобий ўзгаришларни таъминлаш, мазкур қишлоқ (маҳалла)ларнинг қиёфасини замонавийлаштириш ва унда нетикомат қилувчилар учун иш ўринларини яратиш белгиланди.

ОБОД ҚИШЛОҚ – ОБОД ЮРТ

Жорий йилда 470 дан зиёд қишлоқда «Обод қишлоқ» дастури амалга оширилди. Ушбу мақсадларга 6 трлн. сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Ўзбекистон Президентининг 20 февралдаги қарори билан 2019 йилда «Обод қишлоқ» дастурини амалга оширишга 4,8 трлн. сўм ажратилди. Дастур доirasида

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН, ЯНГИ САЙЛОВЛАР

22 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга сайловлар бўлиб ўтди.

Янгиланаётган Ўзбекистоннинг янги сайловлари дея эътироф этилган бу жараён қизгин курашлар остида, демократик тамойиллар, очик ва ошкоралик муҳитида ўтди.

Сайловларда бевосита иштирақ этган сайловчилар, маҳаллий ва халқаро кузатувчилар ҳамда журналистлар томонидан сайловлар миллий сайлов қонунчилигимиз, очиклик, ошкоралик ва шаффофлик каби демократик принципларга мос ҳолда ўтганлиги кенг эътироф этилмоқда.

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ МУАММОСИ ҲАЛ ЭТИЛДИ

Мамлакатимизга Туркменистондан 500 кВли ҳаво тармоғи орқали электр энергия импортига старт берилди.

Бу Ўзбекистон Республикаси энергетика вазирлиги тизимидаги «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти ва Туркменистон Республикасининг «Туркманэнерго» давлат электр энергетика корпорацияси билан 2019-2020 йилларда электр энергиясини импорт қилиш юзасидан эришилган келишувга биноан амалга оширилди.



МАНГУЛИКНИНГ БИР ЛАҲЗАСИ

«Дунёда ҳамма нарса вақт тегирилади янчилик ўзгаргани билан инсон барибир ўша-ўша. Туғилиш, ҳаёт ва ўлим ҳаммиша барқарор. Айни шунинг учун ҳам асрлар ўтиши, даврнинг ўзгариши, тамаддунинг эврилишлари абадий саволлар ва уларнинг жавобига заҳа етказ олмайди. Бундан минг йил олдинги савол ҳам, унинг жавоби ҳам тафаккуримизда ҳали-ҳануз оҳори тўқилмаган ҳолда тураверади.»

Балки шу сабабдан бўлса керак, ҳаёт сафарига ҳар бир киши абадий ораб йўлга чиқади. Манзилга етиш йўлининг охирига бориш дегани эмас. Ҳар кимнинг ўз ҳаёт траекторияси мавжуд. Бу ўринда йўлнинг охири эмас, сафарнинг якуни муҳимроқ саналади.

Абадий сафарига мангулик олдида кечадиган вақт эса, жуда киска. Кимдир уни ҳатто лаҳзага тенг кўради. Яхшилаб ўйлаб кўрсак, умримизнинг ўзи мангуликнинг бир лаҳзаси эканига амин бўламиз. Айни кунларда ўша мангу лаҳзаларнинг яна бир бекати ортда қолаётди. Лаҳзаларни ортда қолдириб олдинга илгариланишнинг нима билан якун топиши эса, ҳаммага маълум...

Олдинда муқаррар келажак яшириниб ётибди. У ҳаммиша кўзимизга орзу-умидларимиз рўёби, мўъжизалар олами, умримизнинг интиқ манзили бўлиб кўринаверида.

Вақтни негадир «ганимат» дейишади. Унинг ганиматлиги нимада экан? Назаримда, ўтган муддатда нималарга эришса олингани вақтинг ганиматлигини ифода этса керак. Сарҳисоб қилиб кўрадиган бўлсак, ўтган бир йил давомида нималар қила олдик? Учқур вақт тулпоридан нималарга улгурдик? Биздан нима қолди?

Эски ва янги йил алмашиётган бир паллада бу каби саволларга жавоб излашнинг айни мавриди бўлса керак... Гарчи, шoir айтган ушбу фикрлар ҳақиқатдан холи эмас:

*Неча йил яшадинг? Гап унда эмас...
Нима иш қилгансан, ўшандан гапир.
Ўтган умр эмас, қилган иш билан
Қиймати ўлчанар инсоннинг ахир.*

Очик гаплар

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШДАГИ АЧЧИҚ ҲАҚИҚАТЛАР

Сўнгги икки йилда 50 та ҳолатда беморга малакали тиббий ёрдам ўз вақтида кўрсатмаганлиги, 24 та ҳолатда даволаш ишларини нотўғри олиб бораганлиги, 13 та ҳолатда жарроҳлик операциясини ўтказмаганлиги ёки нотўғри ўтказганлиги, 7 та ҳолатда касалликни барвақт аниқлаш чорасини кўрмаганлиги учун тиббиёт ходимлари жиноий жавобгарликка тортилган.

Ушбу маълумотлар Бош прокуратурада Бош прокурор Н.Йўлдошев раислигида Коррупцияга қарши курашиш бўйича Республика Идораларо комиссиясининг кенгайтирилган йиғилишида айтиб ўтилган. Бу ҳақда Бош прокуратурага асосланб «Халқ сўзи» онлайн наشري хабар берди.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишга, аҳолига сифатли тиббий хизматдан тўлақонли фойдаланиш имконини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, 2018 йилда тиббиёт соҳасига 9,3 трлн. сўм ажратилган бўлса, жорий йилда

Аслида, ҳар бир кунини сарҳисоб қилиб борадиган киши учун бундай саволларга жавоб топишнинг ҳеч бокиси йўқ. Аммо бир неча ўн йиллар давомида бу ҳақда ўйлаб кўрмаган кимсанинг бирон хулоса чиқариши қийин. Умр дарбадар поезд эмаски, ҳар макомга йўрғалаб, боши оққан томонга ўз билганича кетаверса. Унинг қатъий ҳаракат низоми – рельси ва катнов жадвали (графики) бор.

Ҳозир айримлар кеча-кундузнинг олдингидан кўра анча киска эканини нолиб гапиршади. Эмишки, ҳозирда ота-боболаримиз замонига қараганда сутка бироз қисқарганимиш. Шундан ҳаётда кўп нарсаларга улгуриб бўлмаётганимиш. Вақт бир зумда, кўз юмиб очгунча ўтиб кетаётганимиш. Бундай иддаоларга инониш мумкинми?

Даромади гап шуки, вақтимизнинг баракаси кетиб қоляпти. Кўпда нокерак юмушлар билан, баъзан зерикиб фурсат ўтказаямиш. Мана биргина мисол: бир суткада телефон деган матоҳ қанча вақтингизни оляпти? У орқали интернетдаги бекорчи «сайру саёҳат»ларчи?

Ҳадиси шарифларнинг бирида «Банданинг Аллоҳ наздида энг сеvimли иш бу – оз бўлса-да, давомли бўлган яхшиликдир», дейилади. Ҳар ким ўз имкони етган ишни, гарчи у кичкина ва арзимас бўлса ҳам, ҳаммиша бардавом қилиб борса, кунли келиб, катта муваффақиятларга эришиши мумкин. Кўп ҳолларда бундай ишларга кунт ва ҳафсала етишмайди, холос. Ёки астойдил бел боғлаб киришганин ишни салдан кейин шундайича ташлаб қўя қоламиз. Доғимандларнинг «Оз-оз ўрганиб доно бўлур, қатра-қатра йиғилиб, дарё бўлур», деган ҳикматлари ҳам бежиз эмас.

Одатда янги йилни катта орзу-ҳаваслар, умид ва интилишлар билан кутиб оламиз. Бир-бировга эзгу тилаклар тилаймиз. Соғлиқ, бойлик, омад, бахт сўраймиз. Лекин негадир умримизга, қилаётган касбу коримизга барака тиламаймиз. Агар инсоннинг вақти, умри баракали бўлса, шунинг ўзи энг катта бойлик, омад ва бахт эмасми?..

Янги йил оstonасида бир-биримизга қиладиган хайрли тилакларимизда аввало кут-барака тилашни эсдан чиқармайлик. Зеро, заррагина барака лаҳзага мангулик макомини беришга қодир.

Муқаддас КАРИМОВА

Телекоммуникация

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ»: ТАРИФ

56 МИНГ СЎМГАЧА ПАСАЯДИ!

24 декабрь куни Ўзбекистон алоқа тарихи музейида «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси матбуот анжумани ўтказди, деб ёзади *Xabar.uz*. 2019 йилда компания томонидан амалга оширилган ишлар ва 2020 йил режалари ҳақида маълумот берилди.



Жорий йил давомида компаниянинг Халқаро пакетли коммутиция марказига уланган провайдер ва операторлар учун ташки каналга уланиш тарифлари нархи 1 Мбит/с. учун 85 минг сўмдан 75 минг сўмга (17 фоизга) арзонлаштирилган. 2020 йилнинг 1 январидан эса мазкур тариф 56 минг сўмга (20 фоиз) пасайиши кутилмоқда.

Ўзбекистонда 2019 йилда интернет хизматларига тарифлар ўртача 4 бараварга арзонлашди ва симли интернет тезлиги бутун Ўзбекистон фойдаланувчилари учун деярли 2 бараварга ошди, дейилади компания берган маълумотда.

«Ўзбектелеком» АК бугунги кунда аҳоли учун энг юкори – 100 Мбит/с. тезликдаги тариф режасини тақдим этмоқда. Интернет нархи эса 3,5 баравардан зиёдга камайган.

Солиштириш учун: 2018 йилда компаниянинг энг юкори тезликдаги тариф режаси 20 Мбит/с.дан ошмаган.

Ижтимоий ҳимоя

«ИСТЕЪМОЛ САВАТЧАСИ»

ҚАЧОН ИШЛАБ ЧИҚИЛАДИ?

«Ўзбекистон аҳолисининг қанча қисми бой, ўртаҳол ва яшаи минимумидан наст даражада истиқомат қилади?» – Мазкур савол ЎЗА мухбири томонидан давлат статистика қўмитаси вакилларида берилди.

Давлат статистика қўмитаси вакилининг жавоб беришича аҳолининг моддий турмуш даражасини аниқлаш биргина мазкур қўмитанинг вазифаси эмас. Бунинг учун молия вазирлиги ва бошқа тегишли вазирликлар «Истеъмол саватчаси»ни ишлаб чиқишлари лозим. «Истеъмол саватчаси» асосида эса аҳолининг қанча қатлами бой, ўртаҳол ва қашшоқ даражада эканлиги аниқланади. 2020 йилда истеъмол саватчаси ишлаб чиқилиши кутилмоқда.

Бу ҳақда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Давлат статистика қўмитаси томонидан йил якунларига бағишлаб «Статистик маълумотларнинг ҳаққонийлиги, ишончлилиги ва уларнинг очиклигини таъминлаш борасида миллий статистика тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда истиқболдаги вазифалар» мавзусида ўтказилган матбуот анжуманида маълум қилинди.

Хизмат кўрсатиш

ЕР ОСТИ ЙЎЛЛАРИДА

САВДО ТАҚИҚЛАНАДИМИ?

Давлат солиқ қўмитаси Ер ости йўллари, кўприклар, автомобиль йўлларининг қатнов қисмларида ва автотурагоҳларда савдо қилишни тақиқлашни тақлиф этди, деб ёзмоқда «Газета.uz».

Давлат солиқ қўмитаси Ўзбекистонда чакана савдо қондаларига ўзгартишлар киритишни тақлиф қилди. Вазирлар Маҳкамасининг бу ҳақдаги қарори лойиҳасининг жамоатчилик муҳокамалари 8 январга қадар давом этади.

Хужжатда товарлар, махсулотларни (хизматларни) ер ости йўлларида, кўприкларда, автомобиль йўлларининг қатнов қисмларида, автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида сотиш тақиқлаш тақлиф қилинмоқда. Ушбу қондан бузганлик учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик жорий этилиши мумкин.

ҚУЛАЙЛИК

«АФРОСИЁБ»ДА ҚЎШИМЧА 4 та РЕЙС

Фуқароларимизнинг Янги йил байрамини муносиб кутиб олиш ва дам олиш кунларида юртимизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳат қилиб, мароқли ҳордиқ чиқаришларига имконият яратиш мақсадида «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ томонидан «Тошкент – Самарқанд – Тошкент» йўналишида ҳаракатланадиган «Афросиёб» поездининг қўшимча 4 та рейси йўлга қўйилади. Бу ҳақда «Ўзтемирйўлловчи» АЖ хабар берди.

Мазкур рейслар 2019 йил 30, 31 декабрь ҳамда 2020 йил 1, 2 январь кунлари амалга оширилади.

«Имтёзли булган чипталарни фақат темирйўл кассаларида харид қилишингиз мумкин. Электрон чипталарда белгиланган чегирмалар расмийлаштирилмайди. Қўшимча маълумотни Тошкент шаҳридаги 1005 касса телефон рақами, жойлардаги темир йўл кассалари ҳамда маълумотлар бюросидан қилиб олишингиз мумкин» дейилади хабарда.

«СИЗ ЎШАМИ?»

БИР ЖУМЛАДАГИ МАҲОРАТ

XX асрда мумтоз адабиётнинг назарий анъаналари Асосида яратилган буюк асар Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романи ҳисобланади. Роман сўзбошисида муаллиф романнинг ёзилиши хусусида тўхталиб, уни: «янги замон рўмончилиги билан танишиш йўлида кичкина бир тажриба, яна тўғриси бир ҳавасдир», деган бўлса ҳам, ўтган бир аср давомида ўзбек адабиётида яратилган бирон роман «Ўткан кунлар» даражасига чиқа олмагани таъкидланади. Бу эса асарнинг зуваласи ҳақиқатда ўта пишиқ, маъно қатламларига бой, муаллифнинг ижодий концепцияси мукамал асосларга қурилганидан далолат беради.



Бу ўринда асар муваффақиятининг устуни бўлган биргина жиҳат хусусида қисқача сўз юритмоқчимиз.

Асардаги сўз, ибора ва жумлалар шу қадар пишиқ, табиий, маънодор ва халқона тарзда яратилганки, улар халқнинг тилидан мустаҳкам ўрин олган, айримлари зарбулмасалга айланган. Сўзнинг маъно кўлами ва сифмиллиги, бир томондан, ақлни ҳайрон қолдирадиган даражада кенг бўлса, иккинчи томондан, зехни ўзига тўла жалб қиладиган ҳамда бир марта ўқигандаёқ эса қоладиган даражада маҳорат билан ифода этилган. Бу фикрни нафақат сўз, балки асарни ташкил этувчи ҳар бир нуктага нисбатан қўллаш мумкин.

Масалан, асарнинг «Қутилмаган бахт» қисмида Отабек ва Қумушнинг илк мулоқоти қаламга олинган. Биринчи суҳбатда Қумушнинг илк саволи асар воқелигидаги жуда кўп маъноларни ўзида акс эттиргани билан эътиборлидир. Бу ҳолат асарда шундай ифодаланади:

«...Қумушбиби шу чокғача қарамаган ва қарашни ҳам тиламаган эди. Мажбурият остида, ёв қараш билан секингина душманга қаради... Шу қарашда бирмунча вақт қотиб қолди. Шундан кейин бир неча қадам босиб Отабекнинг пинжиги яқин келди ва эсанкираган, ҳаяжонланган бир товус билан сўради: – Сиз ўшамми?»

Иккитагина сўздан иборат ушбу жумла савол берувчи назарда тугган барча мақсадларни тўлиқ ифода этаётгани билан эътиборлидир. Асар қонуниятларини ўрганишда мумтоз адабиётимизда ўзига хос ўрин эгаллаган, бадий асар назарий асосларини белгилаб берган балоғат илми Абдулла Қодирий яшаган давр учун етакчи хусусият саналган. Бу

илм соҳасида яратилган асарлар ўша пайтдаги анъанавий таълим тизимида дарслик сифатида ўқитиб келинган. VIII асрдан бошлаб турли илмлар доирасида чуқур ўрганила бошлаган ҳамда XII асрга келиб мустақил фан сифатида эътироф этилган балоғат илми мақсадни ўз ўрни ва ҳолатига энг мувофиқ тарзда энг гўзал сўзлар билан етказиб беришга асосланади. Унга кўра, кам сўзлар воситасида кўп маъноларни ифода этиш усули балоғат илмининг учта таркибий қисмларидан бири – илми маонийнинг («ийжоз») бўлимида ўрганилади. «Ийжоз» мақсадни имкон қадар энг кам сўзлар билан англатиш баробарида нутқнинг таъсирчанлигини ошириш, ортиқча баёндан чекинмиш, сўзловчининг ўзига хос маҳоратини намойиш этиш каби вазифаларни бажаради. Шунингдек, мақсаднинг айрим жиҳатларини сўз билан тўлатуш иккита ифодаласдан, зарур ўринларда уни яширин тутиш, лекин турли далиллар орқали ишора қилиб ўтиш йўлидан боради. Бу эса муаллифнинг матндаги мақсадини англаб олишда ўқувчи эътиборини янада кучайтиради. Матнга ўткир зехн ва ўзига хос фаросат билан ёндашишни талаб қиладди. Бир сўз билан айтганда, ўқувчининг бадий дид ва савиясини, бадий тафаккурини ўстиришга хизмат қиладди. Шу ва шу каби ўнлаб жиҳатларни назарда тутиб, балоғат илмининг пешқадам олимлари «балоғат бу ийжоздир», деган концептуал ҳулосага келишган.

Юқоридаги мисолда савол жумласи иккитагина сўздан ташкил топган бўлса-да, ўз мақсадини тўла ифода этувчи мукамал бир гап тусини олган. Балоғат илми қодаларига кўра, мақсадни англатиш учун баён қилинаётган ифода тугал шаклга эга бўлиши, яъни гап бўлиши зарур. Ҳар қандай гап матнда тақдирини ёки ҳақиқатан мавжуд бўлган эга ва кесимдан ташкил топади. Баъзан эса, уларга иккинчи даражали бўлақлар ва бошқа омиллар ҳам қўшилиши

мумкин. Юқоридаги гап савол берувчининг мақсадини савол берилувчига энг қисқа, энг раван ва энг тушунарли тарзда ифода этган. Шу билан бирга, асарда олдин тилга олинмаган, муаллиф ўқувчидан маҳорат билан яшириб келаётган катта бир маъно – Отабек ва Қумушнинг «илк учрашув»ига зимдан далолат қиляпти. Муаллиф Отабекнинг Марғилон борганидан сўнг анча ўзгариб қолгани, бу ҳақда сўралганда сабабни «Марғилон ҳавоси ёқмаган»ликка олгани, лекин бундан кетишга ҳам чочланмагани, ўй оғушида тилидан чиққан баъзи сўзларнинг асл сабабчисини айни мана шу савол бериш асосида ўқувчига аён қиладди. Асарнинг шу жойига муаллиф Отабек ва Қумуш ўртасидаги «илк учрашув» билан боғлиқ асосий воқеани маҳорат билан яшириб келгани ўқувчидан ўзгача бир қизиқиш уйғотади. Бундай таъсир усули муаллиф маҳоратининг яна бир жиҳати сифатида намойиш бўлади.

Шунингдек, савол жумласининг айни пайтдаги ҳолат тақозоси (*муқтазои ҳол*)га тўла мувофиқлиги шунда кўринадики, савол берилувчи (*Отабек*) да ушбу қисқа ва бир қарашда англашилмасдай таассурот уйғотадиган савол жумласи ҳеч бир англашилмовчилик, ортиқча сўроқ ва таажубга ўрин қолдирмайди. Савол берилувчи худди шундай сўроққа тугилишини кутган киши сифатида саволга худди савол берувчи каби қисқа ва ихчам жумла билан жавоб қайтаради:

«– Мен ўша, – деди бек. Иккиси ҳам бир-бирисига беихтиёр термулишиб қолдилар...»

Муаллиф бу ўринда қаҳрамоннинг юксак даражадаги балоғат билан берилган саволига худди ўзиндай моҳирона жавобни муқобил келтирган. Саволда бўлгани каби жавобда ҳам иккита сўз ишлатилган бўлса-да, тингловчи (*Қумуш*)нинг идрок этишида ҳеч қандай муаммо ёки нуқсон туғдирмайди. Демак, «жавоб жумла» «савол жумла» билан балоғат илми талабига

кўра, тенг кучга эга.

Бир қарашда матндаги маъноларнинг зич ёки ихчамлашувви, сўз, ибора, бирикма, жумлаларнинг қисқартирилиши мақсадни англашда ноқулайлик келтириб чиқариши мумкин. Лекин балоғат илмидаги «ийжоз» усулининг моҳияти шундан иборатки, маънонинг зичлиги, сўз ва ифоданинг камровлиги, ихчамлаштирилгани ёки зарур ҳолатда қисқартирилгани мақсадни англашда ноқислик келиб чиқишига эмас, аксинча, мақсад ифодасида муаллифнинг етук маҳорат эгаси эканига, кам сўзлар билан кўп маънолар ифодалай олишига далолат қиладди.

Юқорида келтирилган савол-жавобдаги «ўша» ҳодисасининг батафсил баёни – балоғат истилоҳи билан айтганда «итноби» – асарда бир оз кейинроқ келтирилган. Бу баён қарийб бир саҳифадан иборат.

Адибнинг маҳорати батафсил ифода этилганда бир саҳифага жо бўладиган катта маънони ўрни келганда бор-йўғи биргина сўз (ўша) билан ифода эта олганидир. Бунга қадар Абдулла Қодирий сабаб-воқеа тафсилоти атайин яширганки, натижада ушбу «ийжоз жумла» романдаги бир бутун ишқ концепцияси марказини эгаллаган.

Муаллиф бадий маҳоратининг яққол кўриниши бўлган бундай ҳолатларга асарда жуда кўп дуч келамиз. Уларнинг баъзиларида келтирилган «ийжоз»нинг батафсил баёни (*итноби*)ни муаллифнинг ўзи тўлиқ келтириб ўтса, яна баъзиларида «ийжоз»нинг батафсил маъно кўламини очиб ва идрок этишни ўқувчининг тошқирлиги, бадий фаросати ва зехнига ҳавола қиладди. Айрим ҳолатларда эса батафсил маънога фақатгина ишора

қилиш билан чекланади. Асарнинг турли ўринларида Отабек тилидан айтилган «мозористонда «хаййа алалфалах» хитобини ким ҳам эшитар эди», «...келинингиз қаршида мени бир жонсиз хайкал ўрнида тасаввур қилингиз»; Юсуфбек хожи нутқидаги «Бизнинг каттадан-кичигимизнинг топқан-тутқанимиз фақат бош олиш» ёки Фузулий девони ҳақида сўз очган Қумушнинг дабдурустан «Мен рози, мен кўндим» дейиши, кейинроқ «мени унутмайсизми?» дея берган саволи; уста Алимнинг Шокирбекдан «Хотинингизга муҳаббатингиз борми?» саволига «йўқ» жавобини олгач, қутилмаганда «яхши экан» дейиши, яна шу қаҳрамоннинг Саодат билан фотиҳа қилинган, «Саодат, эшитдингми, майлими?» сўроғи ва унга жавоб тарзида айтилган «Ошмай кетасизми?» жавоби, мажнун Зайнабнинг ўзини «Мен Қумуш!» деб танитиши, унга жавобан берилган сўнгги ҳукм (*«Кет мундан!»*) жумлалари қатларида ҳам муаллиф мақсадни ифода этишда «ийжоз» усулидан маҳорат билан фойдаланганини кўрсатади.

Шунингдек, асарнинг кўпчилик кутган нурли тонг билан эмас, айнан ғира-шира шом тасвири билан бошланиши, атрофдан янграётган азон деталли, асар сўнггидаги Отабек ва уста Алим шахидлиги хабаридан сўнг Юсуфбек хожи ва Ўзбек олимнинг ҳолатлари асарнинг нафақат диалогларида, ҳатто воқеа, тавсиф ва ҳолатларни ифодалашда ҳам ўзига хос бир ихчамлик, сўз «ийжозини», балоғати ва камровдорликка асосланганини кўрсатади. Асарнинг бир асрдан бери такрор-такрор баҳсе-мунозаларларга боис бўлиб келаётгани ҳам айни шу каби жиҳатлари билан боғлиқдир.

Ғулом БОБОЖОНОВ,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети таянч докторанти



«Туронбанк» АТБ жамоаси
жонажон халқимизни кириб келаётган

яни 2020 йил билан самимий муборакбод этади.

Юртимиз равнақи ва фаровонлиги
йўлида амалга ошираётган барча эзгу
ишларингизга улкан зафарлар тилайди.
Азиз юртдошлар, тинчлик-хотиржамлик
ва саодатли кунларимиз барчамизни ҳеч
қачон тарк этмасин!



**Байрам муносабати билан миллий ва хорижий
валютада пластик карталарни таклиф этамиз!**

Туронбанк - Барқарорлик белгиси!

☎ 99895 144-60-00

🌐 www.turonbank.uz

Хизматлар лицензияланган



TRUSTBANK
ИШОНЧ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

**АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР ВА ЮРТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!
«ТРАСТБАНК» ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК БАНКИ ЖАМОАСИ**

*Сиз азизларни яқинлашиш
келаётган - 2020 йил билан
самимий муборакбод этади!*

**«ТРАСТБАНК» ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК БАНКИ МИЖОЗЛАР УЧУН
БАРЧА ТУРАГИ КЕНГ КЎЛАМЛИ БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ**

«Трастбанк» – Ишонч билан юзма-юз!

Call center: (+998 78) 140-00-88

Веб-сайт: www.trustbank.uz

Телеграм: <https://t.me/trustbankuz>

Фейсбук: <https://www.facebook.com/trustbank.uz>

Инстаграм: https://www.instagram.com/trustbank_uz


Хизматлар лицензияланган.


MIKROKREDITBANK

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки жамоаси яқинлашиб келаётган Янги 2020 йил билан барча юрдошларимизни самимий табриклайди. Мамлакатимиз равнақи, халқимиз тинчлиги йўлидаги эзгу ишларингизга улкан зафарлар тилайди.

Шу билан бирга қулай ва даромадли бўлган
“КУНДАН КУН ЯХШИ”

жамғарма омонат турини тақдиф этади!
 Ушбу омонат муддати ва фоизлари Сиз истагандек белгиланади!
 Омонат маблағлар нақд ва пластик карталар, ҳамда «Mkb mobile» иловаси орқали қабул қилинади.



*Янги 2020 йил байрамингиз
 муборақ бўлсин!*

Қўшимча маълумотларни банкнинг ҳудудий филиалларидан ёки
 ☎ (71) 202-99-99 рақами
 @ www.mkb.uz сайтидан олишингиз мумкин.
**УНУТМАНГ, МАБЛАҒИНГИЗ ИШОНЧЛИ САҚЛАНИШИ ДАВЛАТ
 ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНГАН!**
 Хизматлар лицензияланган.

*Азиз юртдошлар!
«Ипак Йўли» банки
Сизларни янги 2020 йил билан
самимий муборакбод этади!*

*Ушбу ажойиб байрам барчангизга қувончли дамларни
олиб келсин, узоқ кутилган орзуларингизни амалга оширсин.
Янги йилда ҳам яқинларингиз меҳри ва эътибори
доимо ҳамроҳингиз бўлсин!*

Янги йилингиз билан!



ИПАК YO'LI BANKI

Хизматлар лицензияланган.



QISHLOQQURILISHBANK

Барча юртдошларимизни кириб келаётган

ЯНГИ -2020 ЙИЛ

билан самимий табриклаймиз.

Сизларга мустаҳкам соғлиқ, хотиржамлик ва фаровонлик тилаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, миллий валютадаги қуйидаги омонатларни таклиф этамиз:

«БАРАКА» - омонат муддати - 13 ойдан 25 ойгача,
фоиз ставкаси - **йилига 23%**.

«РАҒБАТ» - омонат муддати - 13 ойдан 25 ойгача,
фоиз ставкаси - **йилига 23%**.

Ушбу омонатларга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.

Маълумот учун: (+99878) 150-93-39 www.qqb.uz

**«Қишлоқ қурилиш банк» —
фаровон ҳаётингиз хизматида!**

Хизматлар лицензияланган.

ҚАЙНОНА-КЕЛИН

ХОРАЗМЧА

МУНОСАБАТЛАРИНИНГ
«ДЕМОКРАТИЯСИ»

« Бугунги кунда қайнона-келин муносабатлари жуда катта ижтимоий муаммога айлангандек гўё. Буни телесериаллар ва телекўрсатувларнинг кундалик мавзуси бўлиб қолаётганидан ҳам англаш мумкин. Айрим телелавҳалар кўп жойларда келинларга хизматкор сифатида қаралаётганини яққол кўрсатиб қўймоқда. Келинларнинг эри, қайнота ва қайнонасига тавозе билан чой қуйиб узатиши, қўлларига сув қуйиши каби одатлар миллатимизга шу қадар сингиб кетганки, бунинг туб негизда «зулм» борлигини, афсуски кўпчилик англаб етмайди.

Юртимизда қайнона-келин муносабатларида мўътадиллик мавжуд ҳудуд бу Хоразм воҳаси бўлса керак, деб ўйлайман. Чунки бу Қуйи Амударё минтақасида келинлар дастурхон атрофидагиларга чой қуйиб узатиш одати йўқ. Бу ерда дастурхон атрофида тўпланганлар сонига қараб бир-иккита чойнакда чой дамланади. Қайнота ва қайнона учун алоҳида, колганлар учун алоҳида чойнакка дамланган чойни ким шопириб, кайтаришидан қатъи назар ҳар ким ўзига керакли микдордагисини пиёласига қуйиб ичаверади. Бу эса инсон вужудининг етарли даражада суюқлик билан таъминланганини кафолатлайди. Биров қуйиб узатган чой билан ҳеч қачон одамнинг чанқоғи етарли даражада

қонмайди. Етарли даражада суюқлик ичмаган одамнинг турли хасталиклар: биринчи навбатда қон қуюқлашиш ва тромблар ҳосил бўлиши каби иллатларга чалиниш хавфи пайдо бўлиши тиббиёт ходимлари томонидан жуда кўп бора таъкидланмоқда.

Хоразмда дастурхон атрофида нон ҳам синдирилиб увол қилинмайди, ким қанча хоҳласа, шунча микдордагисини олиб саяверади. Бу эса исрофнинг олдини олишда айни муддао.

Эътиборлиси шундаки, бошқа вилоятлардаги каби ош ёки бошқа қуюқ овқатлар катта лаганга сузилмайди. Воҳада «иккивор» деган тушунча мавжуд бўлиб, бу икки кишига бир лаганда таом тортиш деганидир.



Қайнота ва қайнона бир лаганда, келин билан куёв бир лаганда таом ейишади. Бу эса янги келинчақларнинг тортиниб, тўйиб овқатлана олмаслигининг олдини олади.

Албатта, Хоразмда овқатни ким пиширишдан қатъи назар келин дастурхонга тортади. Бундан олдин оиланинг кенжа фарзанди ишга яраган бўлса, селобча ва обдаста билан ёши улуғларнинг қўлларини ювдиради. Ахир пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссаломнинг «Таомдан аввал ва кейин қўлларингизни ювинг» деган ҳадиси шарифлари бежиз эмас.

Хоразмликларнинг бошқалар ўрганиши зарур бўлган яна бир эзгу фазилати мавжуд. Қайнота-қайнона ҳеч қачон ўзининг ички кийимларини келинларига, жумладан ўз қизларига ҳам ювдириш-

майди. Ички кийимларни келини ёки кизига ювдириш – сурбетлик саналади. Инсон то қўлида қуввати бор экан, бундай кийимларини ўзи ювади. Эрнинг ички кийимини ўз жуфти ҳалоли ювади. Жуфти ҳалоли бўлмаган тақдирда ўғли ювиб беришга мажбур. Аёл ички кийимини ўзи ювишга кучи етмаса, кизи, синглиси ювиб бериши жоиз. Келинга бундай кийимларни ювдириш – сурбетлик ёки уни менсимаслик саналади.

Айрим элдошларимиз ёши қиркка бориб-бормай қайнота ва қайнона бўлишади. Қирқ ёш – инсоннинг энг кучга тўлган, қирчиллама палласи. Бу ёшда ҳоҳ аёл бўлсин, хоҳ эркак, барча уй юмушларини биргина келиннинг зиммасига юклаб, ўзлари оёқ узатиб ўтиришининг ўзи қип-қизил инсофсизликдир. Келин қачон чой дамлар экан, қачон менга қуйиб узатаркан, деб синаб ўтириш – ярашмайдиған иддаолар назаримда. Кўпгина оилаларда ким эрта уйғонса, ўша чой дамлаб қўйиш одати бор. Бу жуда яхши одат. Бу одатда меҳр-окибат ўз аксини топади.

Дарҳақиқат, келин – сулола давомчисини дунёга келтирувчи шахс. Унга хизматкорлардек эмас, балки соғлом наслини дунёга келтирувчи табарруқ сиймо сифатида қараш зарур.

Эрпўлат БАХТ

ТАБАССУМ ☺

МУҲОКАМА



« Қолоқ ва тартиббозар ўқувчи Тангрикулов текканга тегиб, тегмаганга кесак отадиганлар хилидан. Ўз синфидаги қизларнинг сочини тортиб, ҳоли-жонига қўймайди. Ота-онаси мактабга келавериб безор бўлишди. Унинг карикатураси «Қармоқ» номли ҳажвий деворий газетасига ҳам берилди, ўқувчилар ўртасида муҳокамага қўйилди. Лекин у барибир ижобий томонга ўзгармади. Ниҳоят, синф раҳбари уни ўқитувчилар хонасига етаклаб келиб, устозлар даврасида муҳокама қилинишини таклиф қилди.

Ҳамманинг нигоҳи қолоқ ва тартиббозар ўқувчига қаратилди. Биринчи бўлиб сўзни адабиёт фани ўқитувчиси бошлаб берди:

– Айтилган гапда мазмун ва маъно бўлиши керак. Бу шум боланинг худди ўзи!

Тарих фани ўқитувчиси:
– Аф-ангори милоддан оддингиз даврдаги одамларга ўхшайди.

География фани ўқитувчиси:
– Субтропик мамлакат ўрмонзорларида яшайдиган болалардан ҳам беш баттар.

Мактаб директорининг муовини:
– Тушунчаси маърифат ва маънавиятдан анча узок. Буни унинг юриш-туриши, ташки қўриниши ва қиёфасидан ҳам англаш қийин эмас.

Инглиз тили фани ўқитувчиси:
– Хорижий тилни билмасам ҳам импортчани кийиниб юришни хуш кўради.

Физика фани ўқитувчиси:
– Унинг танасига электр токи ҳам таъсир қилмайди.

Хуқуқ фани ўқитувчиси:
– Сен ўқувчининг хуқуқ ва бурчларини билсанми ўзи?

Жисмоний тарбия ўқитувчиси:
– Сафда турганда унинг доимо кечикиб эгаллайди. Танаффусларда худди коптокка ўхшаб сапчигани-сапчиган.

Мен унинг яхши ўқувчилар сафига қўшилишини талаб қиламан.

Чизмачилик ўқитувчиси:
– Вайсаки. Гапида ўлчам ва ритм йўқ. У тор масштабдаги ўқувчи.

Болалар ва ўсмирлар етакчиси:
– Сўзонгич. Доимо дағал муомалада бўлади, оғзидан сақичи тушмайди. Уст-боши ва башанг кийинишини кўриб, кулгингиз қистайди.

Шу пайт хонага мактаб кутубхонаси мудири кириб келди.

– Менга ҳам сўз берсаларингиз, – деди у. Кейин гапида давом этди: Қурумсоқ бола. Ҳалигача китобларнинг ижара пулини тўламаган. Қўлидаги дарсликларнинг ахволига қараб бўлмайди. Китоб варақлари худди қўйлак ва костюмининг ёқаларига ўхшаб доимо кир, ифлос ва букланган бўлади.

Хуллас, ўқувчи Тангрикулов муҳокамадан сўнг таъзирини олиб, бўлари бўлди. У бу қилмишидан қаттиқ пушаймон эди. Шундан кейин у янги йилдан бошлаб, йўл қўйган хато-камчиликларини тезда бартараф этиш, ўқишда ва жамоат топшириқларини бажаришда бурилиш ясашга сўз берди.

У чиндан ҳам ваъдасининг устидан чиқармикан?

Абдулла САИДОВ,
Жиззах вилояти

ЯПОНИЯЛИК КЕЛИНГА
УЙ ВАЪДА ҚИЛИШДИ

« Хоразм вилояти Кўшкўпир туманининг Ғозовот қишлоғида яшовчи Рўзметовлар хонадонига Япониянинг Асахико перфектурасидан келин бўлиб тушган Микако Сугавара ҳақидаги мақола билан яқинда «Оила даврасида» газетасида танишган эдингиз. Ана шундан буён ўтган қисқа вақт ичида хорижлик келиннинг ҳаёти ранг-баранг воқеаларга бой тарзда кечди.

Микако ўз она тили ва ўзбекчадан ташқари инглизчани ҳам мукамал билади. Минтақада сайёҳликни ривожлантиришда унга ўхшаш кадрлар жуда зарур. Шу сабаб Хоразм вилоят туризми ривожлантириш департаменти вакиллари Микакога иш таклиф қилишди. Бунинг учун у Хивага қўчиб ўтишга тўғри келади. Бу таклифга муносабат билдирар экан, Микако ҳозирча эмизикли боласини тарбиялаши муҳимлиги, бир йилдан сўнг ишлаши мумкинлигини айтди.

Туризм соҳаси масъуллари уни Хива шаҳрида уй билан таъминлашда ёрдам беришларини ҳам айтишди. Япониялик келин бундай эътибордан бениҳоя мамнун.

Яқинда бўлиб ўтган сайлов жараёнлари арафасида Микако Сугаваранинг ҳаётида яна бир янгилик юз берди.

У «Миллий тикланиш» партияси аъзоллигига қабул қилинди. Туман марказида бўлиб ўтган «Ўзбекистон – умумий уйимиз» фестивали доирасида унга партиянинг аъзолик билети тантанали топширилди.

– Бу партия менинг танловим. У орқали олдимда турган мақсад ва режаларимни рўёбга чиқаришимга ишонаман. Келгуси сайловларда эса депутатликка ўз номзодимни қўйишим ҳам мумкин, – дейди Микако.



ЭЪЛОНЛАР

Тошкент радиотехника касб-хунар коллежи томонидан 2013 йилда Ҳамидуллаева Нилуфар Файзулла кизига берилган К. № 3182973 рақамли диплом (рўйхат рақами – 276) йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

* * *

Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 2018 йил 6 августдаги 627482-сонли тартиб рақам билан рўйхатга олинган «FRIENDLY TEAM» ХК (СТИР: 305688058) ТУГАТИЛАДИ.

Ўзини-ўзи тугатиш тўғрисидаги 2019 йил 24 декабрдаги 2-сонли қарор. Давролар 2 ой муддатда (97) 700-08-33 телефон орқали қабул қилинади.

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
«СУВОҚОВА» ДАВЛАТ
УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**

жонажон халқимизни

қирис келаётган

ЯНГИ 2020 ЎИЛ

Билан самимий муқабракбод этади!

*Юртимиз равнақи ва фаровонлиги
йўлида амалга ошираётган барча эзгу
ишларингизда зафарлар тилайди.*

*Азиз юртдошлар, тинчлик-хотиржамлик
ва саодатли кунлар хонадонларимизни
ҳеч қачон тарк этмасин!*

Янги йилнингиз билан!

«ҲАЗОРАСПАХСУССУВПУДРАТ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

*Кўп миллатли Ўзбекистон халқини
кириб келаётган Янги йил байрами
билан самимий кўтлайди!*

*Табора яқинлашиб келаётган
2020 йил барчамизга янгича*

*куч-гайрат, омад ва
ютуқлар олиб келсин.*

*Янги йил юртимиз раванги учун
яна бир муҳим қадам бўлсин!*

ОСМОНИМИЗ ҲАМИША МУСАФФО БЎЛСИН!

*Янги йил муборак,
азиз юртдошлар!*

КАТТА НАМАНГАН МАГИСТРАЛЬ КАНАЛ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

Янги йил байрами – кириб келаётган
2020 йил билан барча ватандошларимизни
ҳамда тизимда фаолият юритаётган
меҳнат жамоаларини муборакбод этади!

*Унсон манфаатлари эъвозланаётган
юртимиз доимо гуллаб-яшнасин!*

ҲАР КУНИНГИЗ ТИНЧ ВА ОСУДАЛИКДА, ШОДУ ХУРРАМЛИКДА ЎТСИН!

БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

**QILA
DAVRASIDA**
Mastakam oila — yurt tayanchi
Itimoly-etiyoely, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

«Оила даврасида» газетаси
тахририяти» масъулияти
чекланган жамияти

Бош мухаррир
Хусниддин БЕРДИЕВ

МУАССИСЛАР:

Фукараларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш буйича Республика кенгаши;
Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;
Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси;
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти;
«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси;
Акциядорлик тижорат «Алоқабанк»;
«Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази.

Газета тахририят компютерида терилди ва сахифаланди.

Газетада интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.
Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-рақам билан рўйхатга олинган.
«Шарқ» нашриёт-маتبعا акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Шавкат Жавлонов, Қудратилла Рафиқов, Коммуна Ирисбекова,
Дилором Тошмухамедова, Ином Мажидов, Элмира
Боситхонова, Алишер Саъдуллаев, Мизроб Бўронов, Муродулло
Холмухамедов, Муҳаммадjon Қуронов

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри, 100000. Амр Темур 1-тор кўчаси, 2-уй.
Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Буюртма: Г-1237
ISSN 2181-6190 Обуна индекси – 193

Адаби: 2 829 нуска.
Нархи: келишув асосида.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табок.
Офсет усулида босилган.

Чоп этишга тошириқди: 22:00





UZTELECOM

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ»

**акциядорлик компанияси
ТОШКЕНТ ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ ФИЛИАЛИ
ЖАМОАСИ**



*Барча юртдошларимизни
яқинлашиб келаётган
Янги йил байрами – 2020 йил
билан самимий муборақбоғ эътади!*

*Ўзбекистон тараққиёти йўлида фидокорона меҳнат
қилаётган халқимизга янги йил муваффақиятлар,
омад ва зафарлар олиб келсин. Ҳар бир хонадонни
тинчлик-хотиржамлик ва қут-барака, қувончу шодлик
ҳеч қачон тарк этмасин!*

*Янги йил
муборақ бўлсин,
азиз юртдошлар!*